

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan
yo'llar – hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



4/2022

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолiddин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридидий тадқиқот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолiddин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фаҳриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридидийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатида киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Zohidjon Islamov.

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

Ramil Adygamov.

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

Zafar Fakhriddinov.

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили 23

Jurabek Chutmatov.

Ҳаким Термизий тафсирининг илк наشري 31

Ahmadkhan Alimov.

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Куръондан ҳуқуқий манба сифатида фойдаланиш услуби 51

Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

ДИНШУНОСЛИК

Nigora Yusupova.

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг ҳуқуқий асослари 65

Odiljon Ernazarov.

Shamsuddin Samarqandiyning xristianlik haqidagi qarashlari 74

Jurabek Sodikov.

«Ta'vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e'tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili 80

Shahzoda Abduraimova.

Distribution of religious media contents on websites in Germany 90

Behzodbek Soipov.

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамойилининг аҳамияти..... 96

ИСЛОМ ТАРИХИ

Sanabar Djurayeva.

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi 103

Muhabbatkhan Agzamova.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий ёритишдаги аҳамияти 108

Lola Azimova.

Марказий Осиё цивилизацияси ривожда илмий масканларнинг ўрни..... 115

Oybek Sotvoldiyev.

«Ат-Табакот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида 122

Zarifjon Arslonov.

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan mavzular tahlili 130

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Арбаин жанри хусусида 139

Akmalkhan Akmalkhanov.

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini 148

Dilfuza Sagdullaeva.

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услубий хусусиятлари 156

Feruza Nizamova.

Dehlaviy ijodida badiiyat an‘analari..... 163

Bahodirjon Azamov.

Ҳақим Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг манбашунослик таҳлили 171

Muhabbatkhan M. AGZAMOVA,
Associate Professor of ICESCO Department
for Islamic Studies and Study of Islamic Civilization,
International Islamic Academy of Uzbekistan, (PhD).
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: ag.muhabbat@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/14

**«ТАРИХ АР-РУСУЛ ВА-Л-МУЛУК»
АСАРИНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ
ТАДРИЖИЙ ЁРИТИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

**THE SIGNIFICANCE OF THE WORK
«TARIKH AR-RUSUL WA-L-MULUK» IN
PRESENTING HISTORICAL PROCESSES
GRADUALLY**

**ЗНАЧЕНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ
«ТАРИХ АР-РУСУЛ ВА-Л-МУЛУК»
В ПОСТЕПЕННОМ ПОДХОДЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ ИСТОРИЧЕСКИХ
ПРОЦЕССОВ**

КИРИШ

Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асари ислом тарихига оид манбалар орасида асосий ўринни эгаллаб, у муаррихлар наздида машхур бўлган ва бугунги кунга қадар тўлиқ етиб келган асар сифатида ўзига хос ўринга эга. Классик ислом тарихи манбаларининг тузилиши ва шаклланишида Табарийнинг хиссаси ва унинг услуби таъсир қилганини кўришимиз мумкин. Чунки, у ўзи топган ҳар бир ривоятни асарида келтириб, унга муносабат билдирмаган. Воқеаларга доир ривоятларни бир жойга жамлаган ҳолда ривоятлар тўпламини яратгани сабабли, алломанинг асари кейинги давр учун муҳим манба сифатида эътироф этилган.

Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асари ўрта асрлар мусулмон оламидаги энг ишончли манбалардан ҳисобланган. Бу китоб турли манбаларда турлича номланган, олимлар ўз асарларида уни турли номлар билан атаганлар. Хусусан, «Тарих ал-умам ва-л-мулук» (Субкий, 1976:122), «Тарих ал-русул ва-л-мулук», «Тарих ар-русул ва-л-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо» (Ёкут Ҳамавий, 1938:44), «Ахбор ар-русул ва-л-мулук» (Хайриддин Зириклий, 1998:69), «Табарий Тарихи» номлари билан машхур бўлган.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг муқаддима қисмида дунёнинг яралиши, Одам ва Иблис қиссалари баён қилинган. Ундан сўнг набий ва расулларнинг қиссалари ва улар даврларидаги воқеалар сосонийлар давридаги форс подшоҳлари тарихи ва унинг араб давлатлари билан алоқалари, Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбар бўлишлари ва у кишининг сийратлари, хулафои рошидинлар ва Умавийлар давридаги тарихий воқеалар, 915 йилгача бўлган тарихий жараёнлар баёни батафсил келтирилган. Асар ўрта асрларда яратилган энг муҳим тарихий манбалардан бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан, VII-IX асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақида бизга кўпгина маълумотларни беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Табарийнинг ушбу асари ўзидан аввалги ёзилган, лекин баъзи сабабларга кўра йўқолган асарларни ёритиб, улардаги маълумотларни ўзида мужассам қилган. Унинг асари ҳозирги кунда ҳам ўтмиш ва келажакни боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Асар кейинги давр тарихчилари учун ҳам муҳим манба сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Асарда тарихий жараёнларга оид кўплаб маълумот ва ривоятлар келтирилиб, муаллиф улардан қайси бирини афзал кўриши ҳақида ҳеч қандай фикр билдирмайди. Сабаби, муаллиф асарнинг кириш қисмида баҳолашни асар ўқувчисига топширгани ҳақида айтиб ўтган (Табарий, 1967:13).

Табарий тарих китобини ёзишда ҳадис, тафсир, сийрат каби илмлардан ҳам фойдаланган. Табарий тарихи икки қисмда, яъни 1-қисм «Исломдан аввалги давр» ва 2-қисм «Исломдан кейинги давр» баён этилиб, 1-қисмда кеча, кундуз, Ер, осмон, Қуёш ва Ойнинг яратилиши, шайтонга берилган неъмат ва қандай қилиб куфрга тушиб қолганлиги, Одам Атонинг яратилиши, унинг ерга туширилиши, Қобил ва Ҳобил воқеаси, аввалги пайғамбарлар Нух (а.с.), Иброҳим (а.с.), Лут (а.с.), Исмоил (а.с.), Исҳоқ (а.с.), Яъқуб (а.с.), Айюб (а.с.), Шуъайб (а.с.), Илёс (а.с.), Мусо (а.с.), Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Солиҳ (а.с.), Юнус (а.с.), каби пайғамбарлар тарихи, Исо (а.с.)нинг осмонга кўтарилиши ва Муҳаммад (с.а.в.) даврига қадар араблар тарихи ва жоҳилия даври тарихи баёни келтирилади.

Муаррих воқеалар баёнида Тавротда келган тартибга асосланиб маълумотларни баён қилади, шунингдек, Қуръони каримда берилган оятлар асосида шайтоннинг васвасаси ҳақидаги воқеалар

Аннотация. «Тарих ар-русул ва-л-мулук» (Пайгамбарлар ва подшоҳлар тарихи) – Табарийнинг бугунги кунгача етиб келган энг қадимий ислом тарихига оид асарларидан бири бўлиб, асар 915 йилга қадар инсоният тарихи ҳақида ёзилган. Асарда Одам (а.с.)дан Табарий яшаган асргача бўлган тарихий жараён ривоятлар асосида келтирилган бўлиб, асар етти йилда ёзилган. Муаллиф мазкур китобни «Жоме ал-баён фи тафсири ал-Қуръон» номли тафсирига оид асаридан кейин ёзган. Ушбу мақолада Ибн Жарир Табарийнинг тарихий воқеаларни йилма-йил хронологик тарзда баён қилиши услуби ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Табарийнинг тарихий воқеаларни хронологик тарзда баён этиши кейинчалик соҳада янгича услубда асарлар ёзилишига таъсир этди. Хронология баробарида айни мавзудаги ҳодисаларни бир сарлавҳа остида қаламга олиши кейинги давр муаллифлари ижодида таъсир кўрсатган, улар ҳам айни услубдан фойдаланишига уринишган. Айниқса, бу услубдан маълум тарихий даврга жойлаштириши мушкул бўлган маълумотларнинг таснифида самарали фойдаланилган.

Табарийнинг ҳижратдан кейинги йиллар кетма-кетлигида келтирилган тарихий воқеалар баёни кейинги давр тарихчилари учун мумтоз намунага айланди. Ибн Мискавайх (ваф. 1030 й.) ва Ибн Асир каби муаррихлар Табарийга таяниб ўз асарларини ёзганлар. Ибн Жавзий (ваф. 1200 й.), Абул Фидо (ваф. 1331 й.), Ибн Касир (ваф. 1373 й.), Ибн Халдун (ваф. 1406 й.), Айний (ваф. 1451 й.) каби кўплаб муаррихлар шу услубда ислом тарихига оид асарлар ёзганлар. Демак, кейинчалик маълум бир гуруҳ олимлар Табарийга таяниб ўз асарларини ёзган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар Табарий «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарини давоми сифатида ўз асарларини ёзганлар.

Калим сўзлар: Ислом тарихи, муаррих, ривоят, фақиҳ, манба, илм, муфассал, сийра, пайгамбар, муаллиф, тасниф, муҳаддис, аллома, ҳадис, аҳком, тафсир, қўлёзма.

Abstract. «Tarikh ar-Rusul wa-l-Muluk» (The History of Prophets and Kings) is one of the oldest works on Islamic history, written by Tabari, dating back to 915 AD. The book narrates historical events from the time of Adam (peace be upon him) until Tabari's own time, and it took him seven years to finish his work. Tabari wrote this book after his work on the tafsir (interpretation) of the Qur'an, titled «Jami'al-Bayan fi Tafsir al-Qur'an».

This article analyzes the method used by Ibn Jarir Tabari to present historical events in a chronological manner over the course of several years. Tabari's chronological approach influenced the writing style of subsequent historians in this field. The use of chronology allowed for the organization of historical events under one heading, which later authors found useful in their own works. This method was particularly effective in organizing difficult-to-place historical information from a specific period.

The presentation of historical events by Tabari after the Hijra (migration to Medina) served as an exemplary model for later historians. Scholars such as Ibn Miskawaih (d. 1030), Ibn al-Athir, and others referred to Tabari and wrote their own works. Other historians, including Ibn Jawzi (d. 1200), Abu al-Fida (d. 1331), Ibn Kathir (d. 1373), Ibn Khaldun (d. 1406), and Ayni (d. 1451), also contributed to Islamic history by following this method and writing their own works. So, later some historians wrote their works based on Tabari, while another group of scholars wrote their works as a continuation of Tabari's «Tarikh ar-Rusul wal-Muluk».

Keywords: Islamic history, muarrikh, narration, faqih, source, knowledge, mufassal, siyar, prophet, author, classification, muhaddith, scholar, hadith, ahkam, tafsir, manuscript.

Аннотация. «Тарих ар-русул ва-л-мулук» (История пророков и царей) является одним из работ Табарии по истории ислама, который сохранился до сих пор, работа была написана об истории человечества до 302/915. Исторический процесс от Адама (а.с.) до века, в котором жил Табарии, представлен в произведении на основе повествований, а работа была написана за семь лет. Он написал эту книгу после «Джами аль-баян фи тафсири аль-Қуръан» работы по интерпретации.

В данной статье анализируются сведения о методе Ибн Джарира Табарии хронологического повествования исторических событий из года в год. Хронологическое описание исторических событий Табарии повлияло на написание работ в новом стиле в этой области. Хронологически написание событий одной темы под одним названием повлияло на творчество авторов следующего периода, которые также пытались использовать тот же стиль. Особенно этот метод эффективно применяется при классификации информации, которую сложно отнести к определенному историческому периоду.

Рассказ Табарии об исторических событиях, представленный в последовательности лет после Хиджры, стал классическим примером для историков позднего периода. Такие историки, как Ибн Мискавайх (ум. 1030 г.) и Ибн Асир, написали свои работы на основе Табарии. Ибн Джазуи (ум. 1200), Абул Фидо (ум. 1331 г.), Ибн Касир (ум. 1373 г.), Ибн Халдун (ум. 1406 г.), Айни (ум. 1451 г.) и многие историки писали произведения по истории ислама в этом стиле. Так, позже они написали свои произведения на основе Табарии, а другая группа ученых написала свои произведения как продолжение «Тарих ар-русул ва-л-мулук» Табарии.

Ключевые слова: История ислама, муаррих, повествование, факих, источник, знание, муфассал, сийр, пророк, автор, классификация, мухаддис, ученый, хадис, ахкам, тафсир, рукопись.

баёнини келтиради. Сўнг, Одам (а.с.)нинг Момо Хаво билан жаннатдан қувғун қилиниши, ўғиллари орасидаги жанжалга сабаб бўлган воқеалар баёнини келтиради. Сўнг аввалги Пайғамбарлар ҳақида сўз юритиб, Пайғамбар сифатида юборилган қабила ва халқлар ҳақида хабарларни келтиради.

Табарий юнон, яҳудий, араб ва форс халқлари тарихи ҳақида маълумотларни келтириб, форсларнинг қадимий тарихига оид Кай-Ковус, Кай-Хусрав, Кай-Лухрасп каби қадимги Эрон ҳукмдорлари ҳақидаги маълумотларни келтиради. Яҳудийлар тарихига оид Мусо (а.с.), Хизр (а.с.), Ҳорун (а.с.) каби бир қатор пайғамбарларнинг қавми ва пайғамбарлик ҳақидаги тарихий воқеалар баёнини келтиради. Сосонийлар давридаги Форс подшоҳлари ва уларнинг Араб мамлакатлари билан муносабатлари, шунингдек, яҳудийлар ва уларнинг Пайғамбарлари, уларнинг ҳикоялари ҳақида ҳикоя қилади. Юнонлар тарихини христианликка оид маълумотлардан бошлаб, исломгача бўлган давр, сўнгра Бухтуннаср (Навуходоносор) замонидаги ҳарбий юришлар ҳақидаги маълумотларни беради. Яман подшоҳлари ва уларнинг Ҳабашистон ва форслар билан алоқалари ҳақидаги маълумотларни келтиради. Табарий бу бўлимдаги воқеаларни йилнома услубида эмас, мавзулар асосида баён қилган.

«Исломдан кейинги давр», – деб номланган иккинчи бўлим ҳам тўрт қисм асосида баён этилган. Биринчи қисм «Асри саодат даври» бўлиб, Муҳаммад (с.а.в.)нинг таржимаи ҳоллари ва 632 йилга қадар воқеалар баёни келтирилган.

Иккинчи қисмда 632-660 йиллардаги хулафои рошидинларнинг фатҳлар баёни, учинчи қисмда 661-749 йилдаги Умавийлар давлат бошқаруви, халифаларнинг ворислари, ҳарбий юришлар ҳақидаги воқеалар баёни, тўртинчи қисмда 749-914 йилдаги Аббосийлар давлати тарихи ички урушлар, низолар 915 йилгача бўлган тарихий жараёнлар баёни келтирилган. Маълумотларни хронологик тартибда, воқеалар кетма-кетлиги услуби асосида тарихий жараёнлардаги воқеаларни содир бўлиш тартибига келтиради.

Табарийдан кейинги даврда ислом тарихига оид асарларда тарихий жараёнлар анъанавий 4 даврда, яъни Муҳаммад (с.а.в.) даври, хулафои рошидин даври, Умавийлар сулоласи даври, Аббосийлар даврида бўлиб ўтган воқеалар баёни келтириб ўтилади. Алломадан кейинги давр тарихчилари томонидан ёзилган ислом тарихига оид асарларда ҳам ушбу услуб сақланган. Юқорида санаб ўтилган ушбу дастлабки даврга

оид даврлаштириш, кейинчалик тарихни даврлаштиришга хизмат қилди. Хусусан, тарихий воқеалар Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Мамлуклар, Усманийлар, Қорахонийлар, Мўғуллар, Темурийлар, Саффорийлар каби турли тарихий даврлар ва худудларда ўзига хос тарзда баён этилди.

МУҲОКАМА

Табарий тарихий воқеаларга боғлаган ҳолда сарлавҳалар бериб ўтади. Масалан, «Пайғамбар (с.а.в.)нинг отаси ва баъзи аждодлари ҳақидаги хабарларнинг зикри» (Табарий, Тарих ар-русул ва-л-мулук, 1967:239) сарлавҳаси билан Муҳаммад (с.а.в.) ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ҳижрий йилдан бошлаб, хронологик тарзда ҳижрий йил кўрсатилган ҳолда кетма-кет маълумотлар тақдим қилиб борилган. Масалан, «Зикр мо кона мин ал-умур ал-мазкура фи аввал сана мин ал-ҳижра» (Табарий, Тарих ар-русул ва-л-мулук, 1967:394) (Ҳижратнинг биринчи йилида бўлиб ўтган воқеалар баёни) сарлавҳаси остида ҳижратнинг биринчи йилида содир бўлган воқеалар баёни келтирилади. Ҳижратнинг иккинчи йилида содир бўлган воқеалар «Сумма конат ас-сана ас-сония мин ал-ҳижра» (Табарий, 1967:407) (Ҳижратдан кейинги иккинчи йил) сарлавҳаси остида баён қилинади.

Табарий асарда ҳижратдан кейинги воқеалар баёнида ҳижрий йилни сарлавҳада кўрсатиш билан бирга шу йилда содир бўлган асосий воқеани кичик сарлавҳада кўрсатишга ҳаракат қилган. У баъзида сарлавҳада мавзуга ишора қилувчи сўзларни қўллайди. Масалан, Амр ибн Осснинг мусулмон бўлиш сабабини келтирар экан, шундай дейди, «ва қола сабаби ислом Амр ибн Осс мо ҳаддасано Ибн Ҳумайд» (Табарий, 1967:29) (Амр ибн Оссни мусулмон бўлишининг сабаби ҳақида Ибн Ҳумайднинг бизга айтгани) номли сарлавҳа орқали воқеанинг асосий мазмунини беришга ҳаракат қилади.

Табарий асарни ёзиш жараёнида ўша даврга хос бўлмаган йил ва ойларни кўрсатиб ўтиш орқали тарихий воқеаларни келтирган. Илк ислом даврида маълумотлар аниқ йил ва ойлар кўрсатилмаган ҳолда берилганига, «Биз ҳисоб китоби бўлмаган миллатмиз» ва «Янги ойни кўрганингиз заҳоти ҳайит қилинг», деб айтган Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳадисни келтириб ўтади.

Табарий асарида бир қанча эътиборли жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар:

Ой ва йилларни баён этар экан, саналар тунда ўзгариши ва тунда содир бўлган тарихий воқеалар баёнида «ليل» (тун) сўзи келтирилган (Sulul, 2007:129).

Тарихий воқеалар баён этилганда одатда аниқ сана билан эмас, балки ой номларини зикр қилиш билан берилган. Маълумотлар қамарий ой номларини бериб келтирилган. Баъзида эса «في هذه السنة» (бу йилда), деб йилни келтириш билан чегараланган.

Ойнинг биринчи куни сана сифатида берилганида «اول ليلة في الشهر» (Ойнинг биринчи кечаси), «اول ليلة منه» (Унинг биринчи кечаси) каби иборалар билан бериб кетилган.

Асарда вақтни ифода этган баъзи тушунчалар қўлланилган бўлиб, воқеаларни қачон бўлганлигига аниқлик киритиш мақсадида қўлланилган. Мисол учун «عشية» сўзи «кечки», «оқшом соатларига яқин», «пешиндан сўнг» вақт ва даврга нисбатан қўлланилган. Жумладан, Табарий халифа Али (р.а.) га тегишли воқеани тасвирлаб, «Али ибн Абу Толиб (р.а.) сешанба куни кечкурун тушдан кейин халққа нутқ сўзлади» – деб келтиради (Табарий, 1967:13).

Асарда баъзида «بقيّة» сўзи ҳам қўлланилган бўлиб, араб тилидаги «بقي» феълидан олинган бу сўз «бирор нарса учун қолиш» маъносида қўлланилиб, манбаларда бу феъл ойнинг тугашига қанча кун ёки кеча қолганлигини ифодалаган. Масалан, Табарий Ҳайбар ғазотини тасвирлар экан, «Муҳаммад (с.а.в.) муҳаррам ойининг қолган кунларида Ҳайбарга кўчиб ўтди» – деб ривоят келтиради (Табарий, 1967:543). Яна Табарий «Аллоҳ таоло Ой, юлдузлар ва Қуёшни жума куни тугашидан уч соат олдин яратди» (Табарий, 1967:63) – деб келтиради.

Манбада зикр қилинган воқеалар баёнини келтириш жараёнида баъзида ўнлаб саҳифаларда, баъзида эса, бир неча сатрларда (масалан хижратнинг 25 йили) воқеаларга оид материалларга қараб маълумотлар келтирилган. Ҳар йилнинг охирида ўша йилда вафот этган муҳим шахслар, олимларнинг номлари, саналари, вилоят ва шаҳарларнинг номлари, ҳокимлар, ҳаж сафарлари ва ўша йилдаги сафарлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Табарий Муҳаммад (с.а.в.)нинг хижратигача бўлган даврни қайси йил ва ойда содир бўлганига қараб эмас, балки мавзуларга кўра келтирган. Бир мавзуга алоқадор бўлганларни турли ой ва йилда содир бўлса-да бир сарлавҳа остида тўплаган.

Унинг қўлидаги манбаларда воқеалар вақти аниқ кўрсатилмагани сабабли уларни йиллар бўйича тақсимлаш мумкин эмас эди. Бир мавзудаги воқеаларни биргаликда ёзилгани ўқувчи учун фойдали бўлиб, маълумотларни олишга ёрдам беради.

Табарий хижратгача бўлган воқеаларни мавзуларга кўра тартибга солган бўлса, хижратдан то 302 йилга қадар бўлган тарихий воқеаларни йиллар кетма-кетлигида баён қилган. Бу даврдан бошлаб манбалар кўпайиб бориб, Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёт тарзи, турмушини баён этган сийрат жанридаги асарларда йиллар, ойлар ва ҳатто, кунлар билан ёзила бошланди.

НАТИЖА

Табарий Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти, хулафои рошидинлар ва бошқа халқлар тарихи ҳақида ўзи тилга олган йил воқеаларини асосий сарлавҳа остида баён этган. Олим айрим хабарларни содир бўлган йилларга қараб ой ва кун билан, агар мавжуд бўлса, сана билан боғлайди, ҳатто, содир бўлган куннинг номини ҳам ёзади. Буни амалга оширишда у турли манбаларга асослангани учун турли таквимлардан фойдаланган. Буларнинг биринчиси хижрий таквим, иккинчиси Рим таквими, учинчиси эса халифа, амир ёки таниқли шахсларнинг вафот этган саналари билан боғлиқ таквим бўлиб, Табарий бу учта таквимдан унумли фойдаланиб тарихий воқеаларни баён этган.

Табарий хижрий таквимни Муҳаммад (с.а.в.)нинг Мадинага хижрат қилгандан сўнг содир бўлган воқеалар баёнида қўллаган. Буни тарихий воқеалар мисолида кўрадиган бўлсак, 632 йилда содир бўлган ҳодисалар ичида Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотларига оид маълумотлар келтирилган. Тарихчи Яъқубий Муҳаммад (с.а.в.) «Фил воқеаси»дан 50 кун ўтиб туғилганларини келтириб, бу кун рабиулаввал ойининг 12 куни бўлганини қайд қилган (Яъқубий, 2010:327). Табарий бу маълумотларни келтирган ҳолда рабиулаввалнинг душанба куни бўлганини ҳамда бу воқеа Кисро тахтга ўтирганининг 24 йили содир бўлганини қўшимча қилади.

Воқидийдан келган ривоятга кўра, Муҳаммад (с.а.в.) душанба куни вафот этгани, лекин ўша кун рабиулаввал ойининг ўн иккинчи санаси экани ҳақидаги ривоят келтирилган (Табарий, 1967:200).

Табарий воқеалар баёнида Рим таквимини қўллаган ҳолда маълумотларни

келтирган. У Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли Муҳаммад Аминнинг ўлдирилиши ҳақидаги маълумотни куйидагича изоҳлайди: «Бу воқеа 198 йилнинг 25 муҳаррам санаси якшанба кечаси эди. Рим тақвимига кўра, 813 йилнинг 25 сентябрь санасида бўлиб ўтди» (Табарий, Тарих ар-русул ва-л-мулук, 1967:432), деб ифодалайди.

Табарий таниқли кишиларнинг вафот этиши, халифа ва саркарда каби муҳим шахсларнинг мансабга ўтириши билан боғлиқ ҳолда тарихий воқеалар йилларини баён этишга ҳаракат қилган. Саҳоба Абу Зарр Усмон халифалигининг 8 йили зулҳижжа ойида вафот этгани ҳақидаги маълумотнинг келтирилиши бунга мисол бўлади (Табарий, Тарих ар-русул ва-л-мулук, 1967:308). Муовия ҳақидаги ривоятда «Муовия ибн Абу Суфён халифа Усмон ибн Аффон вафотининг учинчи ойи сафарда Авс ўғилларидан бир кишини чақирди» (Табарий, 1967:404), деб машҳур кишиларни вафотлари билан боғлаб вақтини кўрсатишга ҳаракат қилган. Олим бу услуб билан муҳим шахслар, тарихий жараёнларда мавқе касб этган кишилар ҳақида ўқувчига қўшимча маълумотларни беришга ҳаракат қилган.

Табарий кириш қисмида китоб мазмунини акс эттирувчи муқаддима билан бошлаган бўлиб, саҳобалар ва бошқа уламоларнинг вақт тушунчаси ҳамда аҳамияти ҳақидаги қарашлари борасида сўз юритади (Ҳожи Халифа, 2008:297). Асарнинг исломдан аввалги қисмини ёритишда саналар аниқ кўрсатилмаган бўлиб, маълумотлар кетма-кетликда умумий тадрижийликка эътибор қаратган ҳолда баён қилинган. Одам (а.с.)нинг болалари хусусидаги маълумотларда аниқ саналар кўрсатилмаган, лекин воқеалар ўзидан аввалги воқеаларга боғланган ҳолда келтирилган. Масалан, Шис (а.с.) туғилиши ҳақида: «Қобил Ҳобилни ўлдирганидан сўнг 5 йил ўтгач, Одам (а.с.) 130 ёшга кирганда Момо Ҳаводан унинг ўғли Шис (а.с.) туғилди» – деб баён қилинган (Табарий, 1967:152).

Табарий пайғамбарлар ҳақида маълумот берар экан, саналарни кўрсатишга ҳаракат қилган. Жумладан, Нуҳ (а.с.) ҳақида маълумот берар экан куйидагича изоҳлайди: «Нуҳ (а.с.) 480 ёшида пайғамбар қилиб юборилди, кейин 120 йил давомида одамларни динга чорлади. У 600 ёшда кемага чиқди ва тўфондан кейин 350 йил яшаб вафот этди», – деб келтиради (Табарий, 1967:180).

Ҳижратдан кейинги ҳар бир йил алоҳида айтиб ўтилиб, ўша йилда содир бўлган воқеалар бирин-кетин бериб борилган. Масалан, 649 йилда содир

бўлган воқеалар баёнида «Бу йил халифа Усмон Абу Мусо Ашъарийни Басра ҳокими лавозимидан четлатди. Бу йил яна халифа Усмон масжидни кенгайтди», – деб келтиради (Табарий, 1967:267).

Ибн Жарир Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» китоби бир қатор сабабларга кўра бебаҳо, деб тан олинган, хусусан:

Асар ҳижрий III асрга доир биринчи мукаммал тарих китоби бўлиб, тарихга оид оғзаки ва ёзма маълумотлар бир китобда жамланган.

Араб тарихидаги энг мукаммал манба бўлиб, Табарий биринчи бўлиб дунёни яратилгандан то ўз давригача бўлган араблар ва ажамлар тарихига оид воқеаларни баён қилган.

Асарда аллома форслар тарихига оид бошқа манбаларда учрамайдиган кўплаб маълумотларни келтирган. Сосонийлар давридаги форслар тарихи, уларнинг араб халқлари билан алоқаларини кенг ёритган. Шу сабабдан 963 йилда асар Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамий (ваф. 974 й.) томонидан форс тилига таржима қилинганлигига гувоҳ бўламиз.

Табарий Қадимги Юнон тарихи ҳақидаги маълумотларни бериб, 641 йилда Миср фатҳ қилингунига қадар ҳукмронлик қилган Рим императорларининг номларини бирин-кетин келтирган. Табарийнинг тарихи Қадимги Юнонистон тарихига оид маълумотларни ўзига жамлаганлиги билан ҳам қимматли ҳисобланади.

Ҳижрий II-III асрда яшаган Ибн Саъд, Яъқубий, Воқидий, Балазурий ва Ибн Исҳоқ каби муаррихларнинг ёзган асарларидаги маълумотларни «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асари орқали ҳозирга қадар етиб келишини таъминлади. Табарийнинг китоби бу барча китобларни ўзида жамлаган энциклопедик манба ҳисобланади. Аллома ёзиб қолдирган бу маълумотлар бугунги кун учун қадимги ўтмишга оид қимматбаҳо маълумотлар жамланмаси сифатида кўп тадқиқотларда мурожаат қилинмоқда.

Табарий ўз даврининг етук олими бўлиб, тафсир, ҳадис, фикҳ ва тарих соҳасига оид бир қатор илмларни мукаммал эгаллаган ва бу юксак илмларини ўз асарларида моҳирлик билан тақдим этган.

Аллома арабларнинг исломдан олдинги даврига тегишли кўплаб оғзаки ривоятларни йўқолиб кетишидан сақлаган ва ривоятларни ёзиб олган. Турли ҳудудларга саёҳат қилиб, ровийлар ривоятларини шахсан ўзидан эшитиб жамлаган.

Табарий китобида бир воқеликка бир неча ривоят келтиради. Лекин, ровийларнинг тўлик санадини келтирмайди. У воқеаларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилган. Сўзининг якунида ровийнинг саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслиги ҳақида маълумот берган.

Табарийдан сўнг араб тилидаги энг тўлик манбалар Х асрга тегишли бўлиб, бу даврда Мискавайх, Масъудий, Ибн Асир, Ибн Халдун каби муаррихларнинг асарларида ҳам бирламчи манба сифатида «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарига мурожаат қилинади. Ибн Асир «ал-Комил фи ат-тарих» китобининг муқаддимасида Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асаридан фойдаланганлигини айтиб ўтади (Асир, 1997:2).

Табарий ўз асарида кўплаб бадиий матнлардан фойдаланган бўлиб, шеър, маъруза, мактуб ёки нотикларни нутқлари ўзига хос услубда тарихий воқеаларни ҳар жиҳатдан ёритишга қаратилган.

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарини турли тилларга таржима қилиниши, олимлар ва тадқиқотчиларнинг асосий илмий манбаи сифатида тарих соҳасига оид тадқиқотларда иқтибосларнинг келтирилиши, ўзидан кейинги давр олимларининг дастлабки манба сифатида фойдаланганлиги асарнинг қимматини эътирофи сифатида кўриш мумкин. Ибн Халликон Муҳаммад Ибн Жарир Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» китобини тарихларнинг энг тўғриси ва унинг нақл қилиши ишончли, деб баҳо берган.

Профессор Муҳаммад Абулфазл Иброҳим асарнинг илмий қиммати ҳақида тўхталиб қуйидагиларни баён қилади: «Ушбу китобнинг кадри шундаки, у ҳадис, тафсир, тил, адабиёт, сийрат китоблари сақлаган барча материалларни ўзида жамлаган. Инсоният тарихи, воқеалар, шеър, нутқ ва насрий матнларни ўринли тарзда мувофиқлаштириб, ажойиб услубда тақдим этиши, ҳар бир ривоятни иснодга ва ҳар бир иснодни матнга боғлай олиши билан ўзига хос бўлиб, турли китоблар ва замонларда қолган матнларни, олимларнинг сўзларини шу китобда келтириб ўтди» (Табарий, 1967:24).

Доктор Иброҳим Байзовий «Мен китобимда воқеаларни очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган асл китобларга таяндим, улардан энг аввалги сафда Табарийнинг «Тарих» китоби ўрин эгаллайди – деб, Хатиб Бағдодий «Унинг халқлар ва подшоҳлар тарихига оид машҳур китоби бор» (Бағдодий, 1997:162) – деб, Ёқут Ҳамавий «Бу китоб фазилат ва ёрқинликда дунёда ягонадир. Кўп илмларни ўзида жамлаган беш минг варақдан иборатдир» – деб,

Ибн Халликон «Буюк тафсир муаллифи, машҳур муаррих. Унинг тарихи энг тўғри ва ишончлиси» (Ибн Халликон, 1978:191-192) – деб, Ҳожи Халифа эса, «Тарихи Табарий бу дунё хабарларини ўзида жамлаган машҳур тарих асарларидандир» – деб, Ибн Касир «Табарий бой тарихни таснифлади» (Ибн Касир, 1991:145) – деб, таъкидлаб ўтади.

Европалик олим Франц Розенхаль «Табарийнинг тарихи Яъқубий тарихидан устун бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари дунёда доимий ортиб бораётган обрў-эътиборининг ошишига сабаб бўлди» (Rosenthal, 1968:186-187) – деб асарнинг бирламчи манба эканлигини эътироф этади.

Мисрлик Муҳаммад Абулфазл Иброҳим «Унинг тарихи араб асарлари орасида энг мукамал тарихий асар ҳисобланади. Унинг ривоятлари ишончли, мустаҳкам ва мукамал даражада бўлиб, аллома ўзидан аввалги Яъқубий, Балъамий, Воқидий, Ибн Саъд каби тарихчилар ишини маромига етказди ва Масъудий, Ибн Мискавайх, Ибн Асир, Ибн Халдун каби муаррихларга йўл очиб берди» (Табарий, 1967:2) – деб изоҳлайди.

ХУЛОСА

Табарий «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарида маълумотларни кенг кўламда синчиқлаб ўрганган ҳолда, воқеаларни таҳлил қилган ҳамда тадрижийликка эътиборни қаратган. Асар энг қадимий даврлардаги жараёнларни изоҳлашда оғзаки ва ёзма манбаларни бир жойга тўплаган ҳолда тарихий кетма-кетликда баён этган. Асарда воқеалар ривожига кўплаб тарихий ҳодисалар, давлатлар ва сулолаларнинг тадрижийлиги ҳамда тарих илмидаги аниқлик принципи асосида ёритиб берилган.

Ислом тарихшунослигида муҳим ўрин эгаллаган Табарий жоҳилия даврига хос тарзда шеърлар, айтишувлар каби турли бадиий матнлардан ҳам фойдаланган бўлиб, асосан, бу услубдан исломгача бўлган тарихий жараёнларни ёритишда қўллаган. Илк ислом даврига оид воқеаларни йиллар кетма-кетлигида тақдим этиб борган.

Табарий исломгача бўлган Пайғамбарлар тарихини асосан, Ибн Исҳоқдан, Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг «Китоб ал-мубтадо» китобидан, Ибн Муқаффанинг форс тили ва араб тилидаги таржима қилинган китобларидан ҳамда Ибн Ҳишомнинг маълумотларига таяниб ёзган бўлса,

Юнон тарихини Дамашқ насронийларидан, яхудийлар тарихини Исроил ривоятлари ва яхудий Таврот уламоларидан олган. Исломдан аввалги араб тарихи Муҳаммад ибн Каъб Қуразий, Ваҳб ибн Мунаббих, Ҳишом ибн Калбий ва Ибн Исҳоқдан келган маълумотлар асосида келтирган. Табарий тарихий воқеаларга кўпинча ўз муносабатини билдириб ўтмайди, ўз фикрини жуда кам жойларда билдириб, диний қарашлари ва илмий объективлиги тарихий воқеаларга нисбатан бетараф бўлишига ёрдам берди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бағдодий Х., (1997). Тарих Бағдодий. Ж. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
2. Ёқут Ҳамавий. (1938). Мажмау-л-удабо. Ж. 18. Қоҳира: Матбаа ал-Маъмун.
3. Ибн Асир. (1997). Ал-комил фит-тарих. Ж. 1. Байрут: Дор кутуб ал-араб.
4. Ибн Касир. (1991). ал-Бидоя ва-н-ниҳоя фит тарих. Ж.11. Байрут: Мактабат ал-маърифат.
5. Ибн Халликон, Ш. (1978). Вафоёт ал-аъён ва анбо абно аз-замон. Ж. 4. Байрут: Дору-л-содир.
6. Субкий. (1976). Ж. 3. Ат-Табакот аш-шофия ал-кубро. Қоҳира: Дор ал-ихя ал-китаб ал-арабий.
7. Табарий Муҳаммад ибн Жарир. (1967). Тарих ар-русул ва-л-мулук. Vols. 1-11. (М. А. таҳқиқи, Ed.) Қоҳира: Дор ал-маъориф.
8. Хожи Халифа. (2008). Кашф аз-зунун ан-асомил кутуб вал-фунун. Ж. 1. Байрут: Дор ал-ихё турос ал-арабий.
9. Ҳайридин Зиркли. (1998). Ал-Аълам. Қомус тарожиму ли ашхур ар-рижол ван нисо мин ал-араб ва ал-мустаърибийн ва мушташрикийн. Байрут: Дар ал-илм лил-малайийн.
10. Яъқубий. (2010). Тарих ал-Яъқубий. Ж. 1. Байрут: Дор содир.
11. Rosenthal F., (1968). A History of Muslim Historiography. Leiden: E.J.Brill.
12. Sulul K., (2007). İlk Kaynaklara Göre Hz. Peygamber Devri Kronolojisi. Istanbul: İnsan yayınlari.

REFERENCES

1. Baghdadi Kh., (1997). Tarikh Baghdadi. Vol. 2. Beirut: Dor al-kutub al-ilmiya.
2. Yaqut Hamawi. (1938). Mu'jam al-udaba. Vol. 18. Cairo: Matbaa al-Ma'mun.
3. Ibn Athir. (1997). Al-kamil fit-tarikh. Vol. 1. Beirut: Dar kutub al-arab.
4. Ibn Kathir. (1991). al-Bidaya wa an-nihaya fit tarikh. J.11. Bayrut: Maktabat al-ma'rifat.

5. Ibn Khallikan, Sh. (1978). Wafayat al-a'yan va anba abna az-zaman. Vol. 4. Beirut: Daru-l-sadir.
6. Subki (1976). Vol. 3. At-Tabaqat ash-shafiiya al-kubra. Cairo: Dar al-ihya al-kitab al-arabi.
7. Tabari Muhammad ibn Jarir. (1967). Tarix ar-rusul va-l-muluk. Vol. 1-11. Cairo: Dar al-ma'rifat.
8. Haji Khalifa. (2008). Kashf az-zunun an-asomil kutub val-funun. Vol. 1. Beirut: Dor al-ihyo turos al-arabiy.
9. Khayruddin Zirikli. (1998). Al-A'lam. Qamus tarajimu li ashhur ar-rijol wan niso min al-arab wa al-musta'ribiyn va mushtashriqiyn. Beirut: Dar al-ilm lil-malayiyn.
10. Ya'qubi. (2010). Tarikh al-Ya'qubi. J. 1 Beirut: Dor sodir.
11. Rosenthal F., (1968). A History of Muslim Historiography. Leiden: E.J.Brill.
12. Sulul K., (2007). İlk Kaynaklara Göre Hz. Peygamber Devri Kronolojisi. Istanbul: İnsan yayınlari.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,
мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

4/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Фуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@maturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.
Босишга 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.
Нашр табағи 10,4. Буюртма № 20.
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية